

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

ЙИЛЛИК ҚУВВАТИ 2 МИНГ ТОННА



Кун тартиби

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Нурафшон шаҳридаги "Nurafshon business city" дирекциясида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг тадбиркор ва экспортёрлар билан навбатдаги очик мулоқоти бўлиб ўтди.

Унда вилоят сектор раҳбарлари, тегишли мутасаддилар, масалага бевосита алоқадор ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбиркорликда мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда соҳа вакилларининг таклифлари ҳам тингланди.

Хусусан, юздан ортиқ тадбиркорлар ва экспортёрларнинг солиқ, божхона, кредит, коммунал хизмат, логистика йўналишлари билан боғлиқ муносабатларининг ечими бўйича шу жойининг ўзида тегишли масъулларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.




Олмалиқда яна бир янги корхона иш бошлади



Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг август ойида Тошкент вилоятига ташрифи давомида ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига йил якунига қадар камида 100 миллион доллардан тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш бўйича топшириқ берган эди. Вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Олмалиқ шаҳрида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Паркент туманидаги 33-умумтаълим мактабида жаҳон адабиётининг таниқли намояндаси Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган маърифий тадбир ҳамда элимиз суйган адиб Хайриддин Султоннинг қирғиз тилида чоп этилган "Жокчулук жана тоқчулук" (Йуқчилик ва тўқчилик) китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Маънавият

Адабий дўстлик - абадий дўстлик пойдевори



Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти фуқаро муҳофазаси бошлиғи – вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида "Махам-Чирчиқ" акция-дорлик жамияти ҳудудида ўқув машқи ўтказилди. Машқлар вилоятда табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилди.



ЯНГИЙЎЛ ҳамда ТОШКЕНТ туманларида эксперимент тариқасида ижтимоий хизмат ва ёрдамлар тизими ишга туширилади. Унга кўра, маҳаллалардаги фуқаролар йиғини биносида ижтимоий ходимлар учун алоҳида хона ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади.



БЕКОБОД туманининг "Хонобод" маҳалласида "Нуроний" жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда "Уч авлод учрашуви" ўтказилди. Унда маҳалла нуронийлари ёшларга ўз ҳаётий тажрибалари ва меҳнат фаолиятлари ҳақида сўзлаб беришди.



ЧИРЧИҚ шаҳар ҳокими Даврон Ҳидоят "East Can Solution" МЧЖ раҳбарлари билан учрашди. Унда инвестор томонидан шаҳарда газланган ва газсиз ичимликлар учун алюмин банкалар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан музокара оlib борилди.



НУРАФШОН шаҳар тиббиёт бирлашмасида "Бирлик", "Юксалиш", "Тараққиёт" маҳаллалари аҳолиси учун сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқароларнинг касалликлари бўйича муносабатларни ўрганилиб, даволашни зарур бўлган беморларга йўлланмалар берилди.



Ҳамкорлик



УЧРАШУВ, МУЗОКАРА, КЕЛИШУВ

Тошкент вилояти ҳокимлигида хитойлик инвесторлар билан инвестиция масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

Хитой Халқ Республикасининг Ханчжоу шаҳридаги 20 тадан ортиқ завод директорлари, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида ўтган музокара-ларда "Холлей групп" компанияси вакиллари юртимиз ва Тошкент вилоятининг инвести-

цион салоҳияти тўғрисидаги фикрларини баён этдилар.

Учрашувда қатнашчи компаниялар фаолияти хусусида атрофлича маълумотлар берилиб, вилоятда хорижий давлатлар ҳамкорлигида ташкил қилинган саноат зоналарида олиб борилаётган иш жараёнлари инвесторларга таништирилди.

Шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, 2027 йилга қадар 450 минг тонна мис ишлаб чиқариш каби масалалар ҳам муҳокама қилиниб, оғзаки келишувларга эришилди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Нажмиддинхўжа Шарипов қатнашди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Мавзуга қайтиб...

КИТОРДАН "ЮТИЛГАНИ" АФСУСМИ?



“ЁШ БОЛАЛИ, НОГИРОН ВА
ЁШИ КАТТА ЙЎЛОВЧИЛАРГА
ЖОЙ БЕРАСИЗМИ?”

3

Долзарб мавзу

СУВНИ ТЕЖАШ МАДАНИЯТИ

турмушимизнинг
ажралмас
қисмига
айланиши
ШАРТ!



Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ичида аҳолиси энг кўп, сув ресурслари эса энг кам мамлакат ҳисобланади. Мавжуд сув эҳтиёжининг 18 фоизигина юртимиз ҳудудида шаклланади. Қолган 82 фоизга яқин сув қўшни давлатларда шаклланиб, Амударё ва Сирдарё орқали юртимизга кириб келади.

2





ЙИЛЛИК ҚУВВАТИ 2 МИНГ ТОННА

Хусусан, жорий йил октябр ойининг илк кунларида ҳудудда янги корхона — оғир тоғ-саноати машина ва ускуналари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Almalyk Quyuvi Mexanika Zavodi” МЧЖ фаолиятини бошлади. Умумий 1,25 гектар майдонда ташкил этилган корхонада ҳозирда иш жараёни қизгин.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

— Барча техникалар чет элдан келтирилган, — дейди корхона раҳбари Хусен Широнов. — Завод йилига 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирда 2 та цехни ишга туширганмиз. Иш жараёнида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус либос кийдирилади. Корхонага хорижий инвесторлар томонидан жами 25 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритилган. Келгуси йилда яна 20 миллион доллар инвестиция киритилиши режалаштирилмоқда. Завод тўлиқ ишга тушгач 200 га яқин иш ўрни яратилади. Маҳсулотимизнинг асосий харидори Олмалиқ кон-металлургия комбинати.

Бугунги кунда корхонада подшиппниклар ҳамда экскаватор гилдираги учун занжир уламалари ишлаб чиқарилмоқда. Ташкилотда муаммолар ҳам йўқ эмас. Яъни, қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун ер майдони ажратилишига эҳтиёж бор. Бу муаммо ҳал бўлса, фаолиятни янада кенгайтириш имконияти яратилади.

Сухробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

Таҳлил

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИ ЕТАРЛИ(МИ?)

Бугун вилоятимизда уч миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг эҳтиёжи учун 508 минг тонна картошка, 368,2 минг тонна пиёз, 87 минг тонна сабзи, 29,8 минг тонна гуруч, 258 минг тонна ун, 27 минг тонна ўсимлик ёғи, 183 минг тонна гўшти, 127 минг тонна парранда гўшти, 1 680 млн. дона тухум талаб этилади. Хўш, бунинг учун озиқ-овқат захираси етарлими?



Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, дала четларида бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмасдан унумли фойдаланиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Шу мақсадда вилоятдаги 6 минг 721 та фермер хўжаликларининг 5 минг 510 гектар дала четларига турли мевали дарахтлар экилиб, сархил сабзавотлар етиштирилди. Ушбу экинлар ҳисобига қўшимча 27 минг тонна узум, 9,4 минг тонна сабзавот, 6 минг тонна полиз маҳсулотлари олинди, вилоят бўйича 625 млрд. сўмлик қўшимча даромад қилишга эришилди. Шунингдек, 1 минг 200 та фермер хўжалигида 19 минг қути асалари оиласи, 154 минг бош парранда боқиш йўлга қўйилди. Биргина Оҳангарон туманининг 12 та ҳудудида фойдаланишга киритиш мумкин бўлган 50 минг гектар ер майдонининг 15 минг гектарига ғалла экилиб, ўртача 35-40 центнердан ҳосил олинди.

— Жорий йил ғалладан бўшаган 100 минг гектар майдонга такрорий экинлар экилди, — дейди Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Равшан Норбўтаев. — Шундан 9,5 минг гектарга сабзавот, 753 гектарга полиз, 15 минг гектарга картошка, 35,8 минг гектарга дуққакли, 15 минг гектарга шולי ҳамда 23,9 минг гектарга озуқа экинлари экилди. Бу ўтган йилгига нисбатан анча кўп.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ажратиб берилган майдонларда экинлар “Бир контур — бир маҳсулот” таъмоили асосида экилиб, парваришланиш, маҳсулотни йиғиб олиш, сотиш тизимли йўлга қўйилган. Тизим доирасида 19 та агрокластер, 42 та экспортёр корхона ва 12 та “Томорқа хизмати” МЧЖлар бириктирилган.

Етиштирилган маҳсулотнинг 219 минг тоннаси вилоят аҳолиси истеъмолига, 35 минг тоннаси қиш-баҳор ойлари учун захирага ажратилган. Шунингдек, 135 минг тоннасини Тошкент шаҳри ярмаркаларига жўнатиш, 167 минг тоннасини эса экспорт қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, ҳудудларда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида назорат гуруҳлари фаолият олиб бормоқда.

Нигора УРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

Мавсум

ТАБИИЙ ТОЗА МАҲСУЛОТ

йил давомида дастурхонимизни тўкин қилади

Юқори Чирчиқ туманида меваларни қуритиш ва сақлашга мўлжалланган “Sunny Land Products” МЧЖ ташкил этилганига ҳали кўп бўлмади. Аммо корхонада тайёрланган маҳсулотларга талаб кундан-кунга ортмоқда.

— Корхонамиз 3 гектар ерга жойлашган бўлиб, 20 хилга яқин мева ва сабзавотларни қуритиш йўлга қўйилган, — дейди жамият раҳбари Нодирназар Яхёев. — Ускуналаримиз Хитой ва Туркиядан келтирилган. Маҳсулотларимизни ички бозорга чиқарамиз, шунингдек, Россия ва Европа мамлакатларига экспорт қиламиз. Харидорлар кўп. Сабаби, махсус технология бўйича қуритилган мева ва сабзавотлардаги фойдали элементларнинг деярли 90 фоизи ўзида сақланиб қолади, экологик жиҳатдан тоза.

Туманнинг “Файзобод” маҳалласидаги “Есо agro




product” фермер хўжалигига қарашли мевали боғ ва омборхона 135 гектар майдонда жойлашган. Интенсив боғдаги мевалар тўлиқ томчилатиб сўғориш йўли билан парваришланади.

— 2015 йилда ишни кўчат экишдан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Қахрамон Илҳомбеков. — 2016 йилдан тезкор чоралар қабул қилиш вақти келди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини акс эттирувчи қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Айни вақтда барча ҳудудларда фермер хўжаликлари вакиллари учун сўғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш механизми буйича семинарлар ўтказилмоқда. Мазкур технологияларни жорий этишни янада рағбатлантириш мақсадида 2023 йилда сувни тежаш тизими жорий этилган ғалла ва сабзавот майдонларининг ҳар бир гектари учун субсидиялар миқдори 1 млн. сўмдан 8 млн. сўмгача оширилди.



Шунга қарамай, нафақат фермер хўжаликлари, балки аҳоли ўртасида ҳам сувдан оқилона фойдаланишнинг ҳаётий зарурлигини тушунириш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурати бор.

Сувни тежашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида сувдан фойдаланиш ма-



Меваларни пешма-пеш, сархиллигини йўқотмасданок музлаткичи омборхоналарга жойлаштирамиз. 4 минг тонналик сиймга эга омборхонада меваларни узок муддатгача сақлаш мумкин.

Айни пайтда боғда меваларни йиғиб-териб олиш мавсуми бўлгани боис қўшимча ишчилар ёлланган. Уларга қулайлик яратиш мақсадида бепул транспорт қатнови йўлга қўйилиб, 2 маҳал иссиқ овқат берилмоқда.

Аллома АЗИЗОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

СУВНИ ТЕЖАШ МАДАНИЯТИ

турмушимизнинг ажралмас қисмига айланиши ШАРТ!



Глобал иқлим ўзгариши, мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиши, миллий иқтисодиёт турли тармоқларининг жадал ривожланиши ва уларнинг сувга бўлган талабининг ўсиши туфайли республикада сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда сўғориш ва экологик мақсадлар учун сувга эҳтиёж тўлиқ қондирилмаяпти. Сув истеъмолининг кўпайиши ва манбаларнинг ифлосланиши чучук сув захираларининг камайишига олиб келади. Юртимизда мавжуд чучук сув ҳажмининг қисқариши туфайли сув таъқислиги ва қуроқчилик хавфи сезиларли даражада ошмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон замонaviй мамлакат сифатида ривожланиш учун атроф-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

муҳит муҳофазаси ва сувдан самарали фойдаланиш йўналишларида тезкор чоралар қабул қилиш вақти келди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини акс эттирувчи қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Айни вақтда барча ҳудудларда фермер хўжаликлари вакиллари учун сўғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш механизми буйича семинарлар ўтказилмоқда. Мазкур технологияларни жорий этишни янада рағбатлантириш мақсадида 2023 йилда сувни тежаш тизими жорий этилган ғалла ва сабзавот майдонларининг ҳар бир гектари учун субсидиялар миқдори 1 млн. сўмдан 8 млн. сўмгача оширилди.

Шунга қарамай, нафақат фермер хўжаликлари, балки аҳоли ўртасида ҳам сувдан оқилона фойдаланишнинг ҳаётий зарурлигини тушунириш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурати бор.

Сувни тежашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида сувдан фойдаланиш ма-

даниятини юксалтириш, ичимлик суви учун бозор нархларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳолининг сув билан таъминланганлик ҳолати аҳоли тураржойлари ва улардаги турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Қувурли ичимлик сувининг асосий истеъмоли сифатида аҳоли суви тежаш жараёнида муҳим роль ўйнаши керак.

Бирок, ҳозирги вақтда кўплаб шаҳарларда аҳолининг суви тежаш муаммосига пассив муносабати мавжуд. Шу сабаб бугунги кунда сув тарифларини шакллантиришда бозор муносабатларига ўтиш муаммоси жуда долзарбдир. Чунки бозор қонунари ҳар биримизни тежамкорликка ундайдиган табиий механизм ҳисобланади.

Асосий масала шундаки, амалдаги тариф 3 йилдан буён ўзгаришсиз, оширилмасдан келмоқда, бироқ бугунга келиб ичимлик суви таннархини белгилловчи омиллар — электр энергия, солиқ тўловлари қиймати ошгани сабабли аҳолига берилмаётган ичимлик суви учун ҳозирги тўловлар ўз харажатини қопламай келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, яқинда Қашқадарь, Сурхондарь ва Тошкент вилоятлари ичимлик суви ва оқова хизматлар бўйича янги

тарифлар тасдиқланган эди. Андижон вилоятида эса 19 сентябрда тасдиқланган тарифларга кўра нархлар ўзгарган.

Шунингдек, пойтахт аҳолиси учун бир метр куб. сув нархи 1 минг 400 сўм (амалда 400 сўм), оқова сув нархини эса 1000 сўм этиб белгиланган бўйича таклифлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига тақдим этилди.



Тарифлар ҳудудларнинг географик жойлашуви, сув манбаларидан аҳоли пунктларигача бўлган масофа, электр энергияси сарфи, сув манбаларининг лойқа-тиниклиги, чучук ва шўрлиги, қаттиқлик даражасига қараб қайта ишлаш ва бошқа харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида турлича белгиланмоқда.

Мақсад — барча ҳудудларда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражасини ошириш. Бунинг учун эса ичимлик суви ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлари

барпо этилиши, жорий ва капитал таъмирлаш, тизимни модернизация қилиш ишлари бажарилиши зарур. Булар эса сарф-харажат талаб этади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари учун янги тарифлар тасдиқланмоқда.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши гарови-



дир. Қолаверса, сув иқтисодиётининг барча тармоқлари, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги учун зарурдир.

Тоза ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш, сув бормаган ҳудудлардаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигига сув етказиб бериш йўналишида катта ишлар бошланган ва давом этмоқда. Бирок, суви тежаш маданияти турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмас экан, бу йўналишда сезиларли муваффақиятларга эришиш қийин бўлади.

ЎЗА

Семинар

Ҳар қандай соҳа ташаббускор, интизомли, шижоаткор ва, албатта, ўз ишига масъулиятли ходимлар билан ривожланади. Бу борада сўз кетар экан, кейинги йилларда Ўзбекистонда кадрлар сиёсати, давлат органлари раҳбарлари ва ходимлари шахсий масъулиятини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш йўналишидаги ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш уринли.

ҚАРОРЛАР: ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА



Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Адлия бошқармасида ташкил этилган амалий семинар айна шу масалага қаратилди. Унда мутасадди раҳбарлар, туман ва шаҳар ҳокимлик вакиллари, 100 дан ортиқ турли бошқарма ва ташкилотларнинг ижро интизомига масъул бўлган ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг жорий йил август ойида Тошкент вилоятига ташрифи якунлари бўйича берилган топшириқлар ижроси ва унинг назорати тартиби, Президент томонидан имзоланган “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва “«jrg.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ҳамда бу борада йўл қўйилган камчиликлар танқидий таҳлил этилди.

— Мазкур ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва ижро интизомининг идоралараро ягона электрон тизимини жорий қилиш механизми давлат органларининг барча ходимлари фаолияти учун жуда самарали, — дейди Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Жасур Қаюмов. — Масалан, jrg.gov.uz орқали ҳар бир қарор, фармон ва тошхона баёлиқларидаги ижро назоратини амалга оширишда технологик занжир кўринишида тизим ташкил қилинган. Бу ортиқча қоғозбозлик, турли бюрократик тусиқларнинг олдини олади.

Бундан ташқари, мутахассислар томонидан “Edo.jrg.uz” электрон платформасидан фойдаланиш тартиблари бўйича батафсил маълумотлар берилди. Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Эрали НОРБЕКОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Кўзгудаги ўзимиз

Ҳаёт қизиқ, кўчага чиқдикми, бирорта хуш ёки нохуш воқеа-хотиранинг гувоҳи ва иштирокчисига айланамиз. Нимадандир мам-дасанинг гувоҳи ва иштирокчисига айланамиз. Кичкинагина боланинг нун бўлсак, нимадандир асабийлашамиз. Кичкинагина боланинг нун бўлсак, нимадандир айраса, кимнингдир кўчанинг дуч келган жосаломидан дилимиз яйраса, кимнингдир кўчанинг дуч келган жосаломидан дилимиз яйраса, кимнингдир кўчанинг дуч келган жосаломидан дилимиз яйраса, кимнингдир кўчанинг дуч келган жосаломидан дилимиз яйраса...

Ишга жамоат транспортида бора-ман. Манзилимга беш-олти бекат қолган. Навбатдаги бекатдан ёши катта отахон чиқиб қолди. Ўрнидан туриб жой бердим. Ваҳоланки, орқа ўриндикда мендан анча ёш йигитлар ўтиришган эди. Ҳеч ким пинагини ҳам

ришасиётганига ишонгим келмади. Мен шу ёшимда ҳам ҳалигача ўзимдан катталарга, ҳомиладор аёллар ва ёш болаларга доим жой бераман. Ёшларимиз, қачон бунчалик худбин бўлиб кетишидир?

Биласиз, ижтимоий тармоқларда

бораман. Умуман жой беришмайди. Безрайиб ўтиришади. Қайтага ёши катта кампирлар жой беришади, ёш йигитлар эса атайлаб ўзини ухлаганга солади...

Муқаддас Файз: "122-автобуста 10 дан зиёд ёш йигит-қизлар бор эди. Уч нафар ёши катта аёл чикди, ҳамма ёшлар ўзини ухлаганга солди. 147-автобуста ҳам деярли шундай. Ўзим автобуста ҳам юраман, лекин қачон чиқсам шундай вазиятга дуч келаман."

Дано Аҳмедова: "Автобуста қизим билан кетяпмиз, ён-атрофимиз-



да ёшлар ўтиришибди. Ҳомиладор, кўлида боласи ҳам бор аёл чикди, ёшлар пинагини ҳам бузмади. Ёшим олтимшидан ошган бўлсада, чиқолмай туриб жой бердим. Ёшлар эса индамай ойнадан ташқарини томоша қилиб кетишаверди."

Турсуной Чориева: "Ҳақиқатан ёшларимизга қараб ҳайрон қолам. Жой бериш, ҳаттоки салом беришга ҳам оғринишади. Бизга уйда ота-онамиз, мактабда ўқитувчиларимиз катталарга жой бериш, юқларини кўтаришиш, салом бериш ҳақида

кўп гапиришарди. 50 дан ошган бўлсамда, ўша гаплар қулоғимда доим жаранглаб туради."

Саодат Тожибоева: "Москлага борганимда ёшлар ўтириб, қариялар туриб кетса, нега жой беришмайди, бизнинг тарбиямиз, одатларимиз зўрде, деб гапиргандим. Тошкентга қайтсам, ўзимизда ҳам шу аҳвол. Ёшлар кўзларини юмиб, қулоқчин тақиб безрайиб ўтиришибди."

Албатта, беш кўл баравар эмас. Изоҳлар орасида ижобий фикр билдирганлар ҳам бор. Лекин улар озчиликни ташкил этади. Юқоридаги мулоҳазамиз билан барча ёшлар шунақа деган фикрдан йироқмиз. Йигит-қизларимиз орасида одобу ахлоқи, тарбияси таҳсинга сазоворлари жуда кўп. Уларнинг ютуқлари, маданиятига ҳавас қилса арзийди. Аммо, афсуски, юқоридаги фикрларда жон бор...

Шу ўринда Президентимизнинг куюнчаклик билан айтган гапларини иқтибос қилиб келтиришни лозим топдик: "Бизни ҳамиша ўйланттириб келадиган яна бир муҳим масала — бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгарапти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган давъат уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга нима-нинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан".

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Дарвоқе

УЧ БОСҚИЧЛИ ЖАРАЁН

Яқин кунларда республикамизда, жумладан, вилоятимизда аҳолини рўйхатдан ўтказиш амалиёти бошланади. Хўш, бу амалиёт нима учун керак?



Аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижасида республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқиш имконияти кенгайди.

Шунингдек, миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборотлар манбаи яратилади.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёни уч босқични қамраб олади.

Биринчиси — тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йил давом этади.

Бу жараёнда энг муҳими, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шiorлар ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Иккинчиси — асосий босқич. Бунда бевоcита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топширилади. Мазкур жараён тахминан икки ой давом этади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири анъанавий усулда, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан ҳудудларда уйма-уй юрган ҳолда, юзма-юз суҳбат асосида, қоғоз шаклидаги рўйхатга олиш

У. САТТОРОВ,

Тошкент вилояти Статистика бошқармаси бўлим бошлиғи

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали жамоаси шифокор (онколог жарроҳ)

Ильдар ИСЛАМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

– Автомобиль нотўғри жойда “парковка” қилинса, қандай жарима қўлланилади?

Тоир АЛИМОВ
Чирчиқ шаҳри

Саволга Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ахборот хизмати раҳбари Азизхон МУРОДОВ жавоб беради:

– Йўлларда ўзбошимчалик билан ҳаракатланиш, тўхтаб туриш қоидаларини бузиш қатъиян тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-6-моддасида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига асосан, 128-6-модда бўйича, агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақит берса, шунингдек, қонунчиликда тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда транспорт воситаларини ушлаб туриш ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилганига қадар амалга оширилади.

Баъзи йўлларнинг торлигидан ташқари, йўлнинг четиди турнақатор турган енгил машиналар ўтиш масофасини янада тор қилиб қўймоқда. Аспиди ноқонуний “парковка”нинг айбдори ким? Қонунга амал қилмаган ҳайдовчиси ёки қўллаб ташкилотларда автомобиллар тураргоҳининг йўқлиғими?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига асосан қоидаларнинг 88 ва 89-бандларида транспорт воситаларининг автомобиль йўлларида тўхташ ва тўхтаб туриш талаблари белгилаб берилган.

Қоидаларга кўра, транспорт воситаларига йўлнинг ўнг томонида йўл ёқасида, у бўлмаганда эса

қатнов қисмининг четиди ва қоидаларнинг 89-бандида кўрсатилган ҳолларда тротуарда тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади.

Аҳоли пунктларида ўртада трамвай йўли бўлмаган, ҳар йўналишда биттадан тасмаси бўлган, шунингдек, бир томонлама ҳаракат ташкил этилган йўлларда йўлнинг чап томонида тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади. Рухсат этилган тўлиқ вази 3,5 тоннадан кўп бўлган юк транспорт воситалари бир томонлама ҳаракати йўлларнинг чап томонида фақат юк ортиш ва тушириш учун тўхташлари мумкин.

Бундан ташқари, қатнов қисмининг айрим кенгайтирилиб, ажратилган жойларида йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига ҳалақит бермаслик шарти билан қўйишга ҳам рухсат этилади. Қатнов қисмига чегарадош тротуар четидида фақат енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар ва велосипедларга тўхтаб туришга 5,15 йўл белгиси билан бирга 7.6.2, 7.6.3, 7.6.6 — 7.6.9 қўшимча ахборот белгиларидан бири ўрнатилган жойларда рухсат этилиши белгилаб берилган.

Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари талабларини бузган ҳолда тўхташ ва тўхтаб туриш қоидалари бузилса, қонунда белгиланган тартибда чора кўрилади.

Мавзуга қайтиб...

Яқинда ижтимоий тармоқларда вилоятимизда истиқомат қилувчи 58 ёшли ота ўғли тотализаторда катта миқдорда пул ўтказиб қўйгани туфайли ўз жонига қасд қилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлган бу ҳолат, афсуски, биринчиси ҳам, охиригиси ҳам эмас...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ўйинлар аниқ математик ҳисоб-китобларга асосланган бўлиб, алдовдан иборат. Тотализатор ўйинлари билан шуғулланувчи компаниялар бутун дунёда маркетинг ва рекламага энг кўп маблағ сарфлашади. Баъзи инсонлар ҳўрак сифатида ташланган арзиммаган ютуқни деб, ўзи билмаган ҳолда рекламанинг тузогига илинади.

– Уч ой олдин қайин укам шу ўйинда 30 минг АҚШ доллари ўтказиб қўйган экан, — дейди чирчиқлик Ш. исмли аёл. — Шу кунгача билмай юрган эканмиз. Энди эса оиламизнинг ҳаловати йўқолган. Қирқдан ошган, оқ-қорани таниган қайин укамни нима жин урган, билмаймиз. Ўша пулни ўртоқлари, таниш-билишларидан қарз-



га олганини биздан яширган. Шу кунларда қарз берганлар пулини сўраб келиб, эшигимизни бузгудек бўлишмоқда. Турмуш ўртоғим уқасининг қарзини қайтариш учун яшаб турган уйимизни сотмоқчи. Юрагим касал, вақти келса даволаниш учун

пул жамғаролмаймиз. Уйни сотсак, қаерда яшаймиз. Уч нафар болам бор. Эртага уларнинг келажаги нима бўлади?..

– Отасиз ўсдим, — дейди Д. исм-

ҚИМОРДАН "ЮТИЛГАНИ" АФСУСМИ?



маси берган маълумотларга кўра, интернет тармоқларида турли ўйинлар орқали одамларни алдаётганларга қарши кескин чоралар кўришмоқда.

ли ҳайдовчи йигит. — Бизни боқиш учун онамнинг умри меҳнатда ўтди. Ижтимоий тармоқлардаги турли ўйинларга қизиқиб қолдим. Бир-икки бор анчагина пул ҳам ютиб олдим. Охириги ўйинда 5 миллион сўм ютқаздим. Кўзим очилди. Онам бечорани қийнаб қўйганими тушундим. Минбад бу ўйинни ўйнамасликка сўз бердим.

– Мен узоқ йиллардан бери савдо билан шуғулланаман, — дейди бўқалик онахон. — Танишларим орасида шу қиморнинг домидан чўч тушганлар кўп. Улар ҳозир афсусда. Иш билан банд бўлиб фарзандларига кўп вақт ажратмаганидан куюниб гапиришади. Фарзандларининг хурмача қилиқлари сабабли, қанча ҳовлилар, мол-мулклар сотилиб кетмади, дейсиз.

Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси берган маълумотларга кўра, интернет тармоқларида турли ўйинлар орқали одамларни алдаётганларга қарши кескин чоралар кўришмоқда.

Жумладан, вилоят ИИББ Тезкор қидирув хизмати Киберавфсизлик бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирида Оқўрғон туманида яшовчи 2001 йилда туғилган О.К. шериқлари билан YouTube интернет тармоғида "UzLottoTV" номли канал очгани аниқланган. Унда таваккалчилик ўйинларида қатнашиш истагини билдирган ҳар бир фуқаро (фойдаланувчи)га ўзлари томонидан тайёрланган билетларни 35 минг сўмдан сотган ҳамда жонли эфир орқали қонунга хилоф равишда жами 284 тур ўйин ўтказган. Ютуқ совринига қимматбаҳо совғалар ва турли миқдордаги пул мукофотлари қўйилган. Мазкур ҳолат юзасидан О.К.га нисбатан Жиноят кодексининг 278-моддаси (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш) 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган. Айти пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича вилоят ИИББ Киберавфсизлик бўлими ҳодимлари томонидан онлайн қимор ўйинларига чек қўйиш бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилган.

Ҳа, қимор ўйинининг охири ҳамма даврларда ҳам "вой" бўлган. Буни билмаганлар билиб олишларини, билиб туриб қилаётганлар эса кеч бўлмасдан бу йўлдан қайтишларини истардик.

НИГОРА ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Адабий дўстлик - абадий дўстлик-пойдевори



Ушбу кўш адабий ан-жуманининг айнан маз-кур таълим даргоҳида ташкил этилгани бе-жиз эмас. Туманининг Қирғизовул кўрғонида жойлашган бу маскан мамлакатимиздаги таълим қирғиз тили-да олиб бориладиган мактаблардан бири-дир.

Давлатимиз раҳба-рининг 2018 йил 2 апрел-даги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов та-валлудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, адиб хотирасини абадийлашти-ришга қаратилган хайрли ишлар қаторида мазкур мактабда адибнинг донишмандона сиймоси акс этган улугвор бюсти ўрнатил-ган. Ҳар йили бутун минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, қардош халқлар ўртасида дўстлик ва ҳам-жихатлиқни мустаҳкамлаш йўлида фидоко-рона фаолият олиб борган улуг адиб Чингиз Айтматовнинг туғилган кунини муносабати билан адабий-маърифий тадбирлар, дўстлик кечалари ўтказилиши анъанага айланган. Кўни кеча бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шу из-дихомларнинг давоми бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Махжидов, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, "Жаҳон адабиёти" журна-ли бош муҳар-рири, устоз журналист Аҳмадjon Мелибоев, адабиётшунос Зухриддин Исомиддинов ва бошқалар кейинги йилларда жаҳон адаби-ёти, айниқса, қардош халқлар адабий дунёси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



жана тоқчулук" китоби ҳам айни шу жумла-дандир.

Китоб Бишкекдаги "Турар" нашриётида чоп этилган. Ундан ёзувчининг "Йўқчилик ва тўқчилик", "Ё, Жамшид", "Дунёнинг сири", "Онамнинг юрти", "Омад" каби бурунги ва бугунги ҳикояларидан намуналар жой ол-ган. Уларни педагогика фанлари доктори, профессор Абдикерим Муратов қирғиз тили-га маҳорат билан ўғирган. Китобга халқа-ро "ТУРКСОЙ" ташкилотининг Бош қотиби, Қирғиз халқ ёзувчиси Султан Раев сўзбоши ёзган.

Маърифий тадбирда мактаб ўқувчилари қардош халқнинг "Манас" эпосидан, шунинг-дек, Чингиз Айтматов ҳамда Хайридин Султон асарларидан айнан қирғиз тилида парчалар ўқиди.

Ёзувчилар уюшмаси томонидан мактаб кутубхонасига ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналаридан иборат 300 дон а-бадий-маърифий тўплам ҳамда Қирғизистон-дан келтирилган "Жоқчулук жана тоқчулук" китобидан бир неча нусха тақдим этилди.

Сухробжон САДИРОВ, Жалопиддин ЭСОНОВ (суратлар) "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари

Эҳтиром

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли ёзувчи ва журналист Ўктам Усмонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган адабий-маъри-фий тадбир бўлиб ўтди. Унда жамоат арбобла-ри, ёзувчи ва шоирлар, ёшлар, санъаткорлар, шунингдек, ёзувчининг фарзандлари, набирала-ри, яқинлари иштирок этишди.

ҚИБРАЙНИНГ ИСТЕЪДОДИ ФАРЗАНДИ

Уюшма фойесида ёзув-чининг ҳаёти ва ижодига оид суратлар ҳамда китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Ўктам Усмоновнинг машҳур "Гирдоб" романи асосида су-ратга олинган видеофильм-дан парча кўрсатилди, кў-шиқлар янгради.

Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Махжидов очиб бер-ди ва ёзувчининг "Танланган асарлар"и ҳамда "Ўктам Усмонов замондошлари хоти-расида" китоблари нашрдан чиққанини қайд этди.

Адабий кечада Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқулов, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, ёзувчининг қизи – таниқли таржимон ва журналист Зухра Усмонова сўзга чиқиб, Ўктам Усмоновнинг ҳаёти ва ижоди ҳақи-да илқ хотираларни ёдга олишди.



– "Гулдаста", "Нотинч кеча", "Сирли сохил" каби хи-коялар тўпламлари Ўктам Усмонов истеъдодининг бир қиррасидир, – деди Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров. – "Гирдоб" романи эса унинг кучли ижодкор эканидан далolatдир. Асарда адолат, садоқат, ноҳақ-лик, хиёнат каби кечинмалар катта маҳорат билан тас-вирланган.

Ўктам Усмонов 1938 йилда Қибрай тумани Байт-кўрғон қишлоғида таваллуд топган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатгач, рес-публика газеталарида хизмат қилган. Фаолияти даво-мида Ўзбекистон компартияси МКда масъул ходим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қотиб, "Ўзбекистон овози" газетасида бош муҳаррир вазифаларида ишла-ган. Истеъдодли ёзувчи Ойбек номидаги мукофотга сазовор бўлган.

Ўктам Усмонов қисқа умр кўрган бўлсада, ада-биётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган асарлар яратишга улғурди. Унинг асарлари бугунги кунда ҳам ёшларни маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Носир ТОИРОВ,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Суратда: ёзувчининг қизи Зухра Усмонова Ўзбекис-тон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровни Ўктам Усмонов-нинг 85 йиллигига бағишланган фотокўргазма билан таништирмоқда.

СПОРТ янгиликлари

Хитойдан яна 3 медаль!

Хитойнинг Тайюан шаҳрида таэквондо WT бўйича катталар ўртасида G6 таснифига кирув-чи Гран-При мусобақаси давом этмоқда.


Унда +80 кг. вазн тоифасида миллий терма жа-моамиз аъзоси Никита Рафалович кумуш медалга сазовор бўлди. У финалда россиялик Владислав Ла-ринга 1:2 ҳисобида имконият-ни бой берди.



Бунга қадар терма жамоамиз-нинг бошқа аъзолари – Улугбек Рашитов ҳамда Жасурбек Жай-сунов бронза медалини қўлга ки-ритишган эди.

Тошкентда халқаро турнир

Жорий йилнинг 14-15 октябрь кунлари Тошкент қи-личбозлик бўйича халқаро мусобақага мезбонлик қи-лади. "Satellite" таснифидagi турнир рапира қуролида эркаклар ва аёллар ўртасида яқкалик дастурида ўтқа-зилади.



Аҳамиятлиси, мазкур мусо-бақа лицензион характерга эга бўлиб, унда совринли ўринлар-ни эгаллаган спортчилар Па-риж-2024 Олимпиадасида қатна-шиш учун ўз ҳисобларига рейтинг очколарини ёздириб қўйишлари мумкин. Турнирда Австрия, Жа-на, Ирландия, Италия, Сенегал, Швейцария каби мамла-катлар спортчилари иштирок этишади.

Навбатдаги рақиб маълум

Суперогир вазн тоифасида ўзбекистонлик профес-сионал боксчи, Олимпиада ва жаҳон чемпиони, Хитойда ўтказган XIX Осиё ўйинлари ғолиби Баҳодир Жалолов-нинг навбатдаги рақиб ва жанг санаси маълум бўлди.



Баҳодир жорий йилнинг 17 ноябрь кунин Тошкентда ташкил этиладиган Lift Promotions проф-фессионал бокс оқшомида ринг-га кўтарилади. Унга жанубий аф-рикалик Крис Томпсон рақиблик қилади.

Бокс оқшоми пойтахтимиз-даги "Хумо Арена" мажмуасида ташкил этилади.

Маълумот учун, Баҳодир Жалолов шу вақтга қадар профрингда 13 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида рақибларини нокаутга учратган. Унинг бўлажак рақиб ҳисобида 12 ғалаба, 5 дуранг ва 1 мағлу-бият бор.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Мана гап

Сартарошни сувоқчи қилиб қўйсангиз, деворга қўпик суртади. Этикдўзни сартарош қилсангиз, одамнинг бошига мих қоқади...

Ўткир ҲОШИМОВ

Кексаларни эъзозлаш ҳафталиги

ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗИ

Бугун ёшларни Ватанга садоқатли, жамиятга керакли инсон бўлиб камол топишларида нуруний-ларимизнинг ҳаётий тажрибалари, панду насиҳатларининг ўрни катта. Шу сабабли ҳам хонадонларимизнинг файзи бўлган нуруний отахон ва онахонлари-мизни эъзозлаш, улар-ни ҳаётдан рози қилиш, қўлимиздан келганича умрларини узайтириш, хизматларида бўлиш азалий қадриятлари-миздандир.



Айни шу мақсадда "Ну-руний" жамғармасининг Ўрта Чирчиқ тумани бўлими томо-нидан "Кексаларни эъзозлаш ҳафталиги" доирасида қатор учрашувлар ташкил этилди. Хусусан, Роватак қишлоғи-

катта ҳаёт тажрибасига эга ну-рунийлар ёшларга насиҳат ва маслаҳатларини беришди.

Тумандаги 72-ихтисослаш-тирилган мактабда "Икки тил ва бир касб" тамойили асосида ташкил этилган учрашув эса ўқувчилар учун том маънода маҳорат дарси бўлди. Ўзаро суҳбат жараёнида бир неча тил ва касб ўрганаётган йи-гит-қизлар ўзларига керакли маълумотларни олишди.

Тадбирларда Республика "Нуруний" жамғармаси бошқа-руви раисининг ўринбосари, "Бувижонлар мактаби"нинг раҳбари Хайринисо Мирзажо-нова иштирок этди.

Шухратжон РАЖАПОВ, "Нуруний" жамғармаси Ўрта Чирчиқ тумани бўлими раисининг ўринбосари

Биласизми?

Ёнғоқ таркибида мия, суяк ва иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи фаол моддалар бор. Ундаги бета-ситостерон моддаси атеро-склероз, айниқса, коронар ва мия артериялари фаоли-яти бузилишининг олдини олади. Ёнғоқни мунтазам истеъмол қилиш



(лекин кунига еттиданадан кўп бўлма-ган) қондаги глюкоза миқдори-ни меъёрлаштиради, қон бо-симини пасайтиришга ёрдам беради, ортиқча вазндан халос қилади.

Америка Саратон тадқиқот-лари институти маълумотларига кўра, кунига 30 грамм ёнғоқ истеъмол қилиш

саратон касаллигининг умумий хавфини 15 фоиз-га камайтириши мумкин.

Бундан ташқари, ёнғоқ-ни мунтазам истеъмол қи-лиш мавжуд ўсма-ларнинг ўсишини секинлаштира-ди, деган далиллар ҳам бор.



Саратон хавфини камайтиради



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nigora O'ROLOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 21.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1031.

4 906 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.